



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“16” август 2021 й. № 02-06/3919

**Тижорат банклари, микрокредит
ташкilotлари ва ломбардлар,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Бугунги кунда, тижорат банклари томонидан уй-жой сотиб олиш, истеъмол кредитлари, таълим олиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, автомобиль сотиб олиш учун ва бошқа турли мақсадлар учун кредитлар ажратиш йўлга қўйилган. Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларида, интернет ва ижтимоий тармоқларда кредит турлари, миқдорлари, муддатлари ва бошқа ахборотлар тўғрисида рекламалар тарқатиш орқали кенг ёритиш амалга оширилмоқда.

Хусусан, кредит хизматлари реклама ахборотларида **“қулай кредит”, “осон кредит”, “тез кредит”, “ишончли кредит”, “паст фоизли кредитлар”, “тайёр кредит”, “оддий кредит”, “маъқул кредит”, “жозибадор кредит”** ва бошқа шу каби бўрттирувчи ва ноаниқ иборалардан кенг фойдаланилмоқда.

Бунда, реклама ахборотларида кредит турлари, миқдорлари, муддатлари тўғрисида аниқ, тўғри ва тушунарли бўлган маълумотларни тақдим этилмаслиги/яшириб кетиши натижасида истеъмолчиларни товар (иш, хизмат) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олишга доир ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин.

Дарҳақиқат, бу ҳолатга аниқлик киритилишидан рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиш мумкин бўлган ҳолатларни олдини олишга эришилади.

Ўзбекистон Республикаси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига мувофиқ, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишонччилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: EG66420477

чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (13-модда).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик тамойилларига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов

*Ижр: А.Ахмедов,
Тел: 712074600 (318)*